



АКТ КОРХОНАЛАРИДА РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯНИ БОШҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ

Сержанов Куаниш

Нукус давлат техника университети

ORCID: 0009-0002-6831-3655

serjanovkuanish@gmail.com

Аннотация. Ушбу мақолада ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) корхоналарида рақамли трансформацияни бошқариш самарадорлигини баҳолаш масаласи таҳлил қилинган. Тадқиқот давомида рақамли трансформация жараёнларининг амалдаги ҳолати ва уларни баҳолашдаги асосий муаммолар аниқланган. Шу асосда рақамли трансформация самарадорлигини баҳолашнинг интеграл ёндашуви таклиф этилган бўлиб, у технологик, ташкилий ва инсон капитали омилларини қамраб олади.

Калит сўзлар: рақамли трансформация, АКТ корхоналари, бошқарув самарадорлиги, интеграл баҳолаш, рақамли иқтисодиёт, инновация, инсон капитали, стратегик бошқарув.

ОЦЕНКА ЭФФЕКТИВНОСТИ УПРАВЛЕНИЯ ЦИФРОВОЙ ТРАНСФОРМАЦИЕЙ В ИКТ-КОМПАНИЯХ

Сержанов Куаниш

Нукусский государственный технический университет

Аннотация. В данной статье рассматривается проблема оценки эффективности управления цифровой трансформацией в компаниях сектора информационно-коммуникационных технологий (ИКТ). В ходе исследования проанализировано текущее состояние процессов цифровой трансформации, а также выявлены основные проблемы, связанные с их оценкой. На основе проведённого анализа предложен интегральный подход к оценке эффективности цифровой трансформации, включающий технологические, организационные и человеческие факторы.

Ключевые слова: цифровая трансформация, ИКТ-компании, эффективность управления, интегральная оценка, цифровая экономика, инновации, человеческий капитал, стратегическое управление.

ASSESSING THE EFFECTIVENESS OF DIGITAL TRANSFORMATION MANAGEMENT IN ICT COMPANIES

Serzhanov Kuanish

Nukus State Technical University

Abstract. This article examines the problem of assessing the effectiveness of digital transformation management in information and communication technology (ICT) companies. The study analyzes the current state of digital transformation processes and identifies the key challenges associated with their evaluation. Based on the analysis, an integrated approach to assessing digital transformation effectiveness is proposed, incorporating technological, organizational, and human capital factors.

Keywords: digital transformation, ICT companies, management effectiveness, integrated assessment, digital economy, innovation, human capital, strategic management.

Кириш.

Жаҳон иқтисодиётида рақамлаштириш жараёнларининг жадаллашуви натижасида ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) корхоналари фаолиятида рақамли трансформация стратегик ривожланишнинг асосий драйверларидан бирига айланмоқда. Рақамли платформалар, булутли ҳисоблаш, сунъий интеллект, “катта маълумотлар” таҳлили, интернет ашёлари (IoT) ва автоматлаштирилган бошқарув тизимларини жорий этиш орқали корхоналар ўз бизнес моделларини модернизация қилиш, янги хизмат турларини шакллантириш ҳамда глобал рақобат муҳитига мослашиш имкониятига эга бўлмоқда. Шу нуқтаи назардан рақамли трансформация нафақат технологик инновация, балки ташкилот фаолиятини комплекс равишда қайта қуриш жараёни сифатида намоён бўлади.

АКТ соҳаси корхоналари рақамли иқтисодиёт инфратузилмасининг асосий иштирокчилари ҳисоблангани сабабли, уларда рақамли трансформацияни самарали бошқариш миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини оширишда муҳим омил сифатида қаралади. Рақамли хизматлар бозорининг кенгайиши, электрон тижорат, финтех ва рақамли давлат хизматларининг ривожланиши АКТ корхоналари олдида янги талабларни қўймоқда. Бу эса стратегик бошқарув ёндашувларини такомиллаштириш, инвестиция самарадорлигини баҳолаш ва рақамли лойиҳалар натижадорлигини тизимли мониторинг қилиш заруратини кучайтиради.

Кўплаб АКТ корхоналарида рақамли трансформация жараёнлари фрагментар характерга эга бўлиб, технологик ечимларни жорий этиш билан чекланиб қолмоқда. Ташкилий маданиятни ўзгартириш, кадрлар компетенцияларини ривожлантириш, маълумотлар асосида қарор қабул қилиш тизимини шакллантириш каби омилларга етарлича эътибор қаратилмаслиги рақамли ташаббусларнинг кутилган самарасини пасайтирмоқда. Натижада рақамли инвестициялар қайтими, инновацион фаоллик ва хизматлар сифатининг ошиши ўртасидаги боғлиқликни аниқ баҳолаш муаммоси юзага келмоқда.

Айниқса, ривожланаётган мамлакатлар, жумладан Ўзбекистон шароитида рақамли трансформацияни бошқариш самарадорлигини илмий асосда баҳолаш масаласи янада долзарб ҳисобланади. Мамлакатда “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегияси доирасида телекоммуникация инфратузилмасини модернизация қилиш, рақамли хизматлар улушини ошириш ва IT-экотизимни ривожлантириш бўйича кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнларда АКТ корхоналарининг стратегик ролини инобатга олган ҳолда, рақамли трансформация натижадорлигини баҳолаш учун илмий-методик ёндашувларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирги шароитда ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) корхоналарида рақамли трансформация жараёнлари жадал суръатларда амалга оширилмоқда. Корхоналар рақамли платформаларни жорий этиш, хизматларни автоматлаштириш, маълумотлар таҳлили ва янги рақамли бизнес моделларини шакллантириш орқали ўз рақобатбардошлигини оширишга интилишмоқда. Бироқ мазкур жараёнларнинг амалий натижадорлиги ва бошқарув самарадорлигини баҳолаш масаласи ҳанузгача етарлича илмий асосланмаган ҳолда қолмоқда.

Адабиётлар шарҳи.

Рақамли трансформация масаласи сўнгги йилларда стратегик бошқарув, ахборот тизимлари, инновацион менежмент ва ташкилий ривожланиш соҳалари кесишмасида фаол ўрганилмоқда. Ушбу йўналишдаги энг кўп иқтибос келтирилган ишлардан бири Vial (2019) томонидан ёзилган мақоладир. Муаллиф рақамли трансформацияни рақамли технологиялар таъсирида ташкилотнинг қиймат яратиш механизми, ташкилий тузилмаси ва бизнес жараёнларида юзага келадиган чуқур ўзгаришлар жараёни сифатида талқин қилади. Vial (2019) рақамли трансформацияни фақат

технология жорий этиш билан эмас, балки стратегик жавоб, ташкилий тўсиқлар ва натижавий таъсирлар тизими билан боғлайди. Бу ёндашув тадқиқотимиз учун муҳим, чунки у рақамли трансформация самарадорлигини баҳолашда технологик, ташкилий ва бошқарув омилларини биргаликда кўриб чиқиш зарурлигини асослайди.

Рақамли трансформацияни стратегия нуқтаи назаридан тушунтирган муҳим тадқиқотлардан яна бири Bharadwaj, El Sawy, Pavlou ва Venkatraman (2013) ҳаммуаллифлигидаги тадқиқотлар. Муаллифлар рақамли бизнес стратегиясини анъанавий IT стратегиясидан фарқли равишда бизнес стратегияси ва рақамли технологиялар интеграцияси сифатида изоҳлайдилар. Улар рақамли бизнес стратегиясининг тўрт асосий ўлчамини — қамров, кўлам, тезлик ва қиймат яратиш манбаларини ажратиб кўрсатадилар. Мазкур ёндашув АКТ корхоналари учун айниқса долзарб, чунки бу соҳада рақамли технологиялар корхонанинг асосий фаолияти билан узвий боғлиқ бўлиб, рақамли трансформацияни бошқариш самарадорлигини баҳолашда стратегик мувофиқлик ва қиймат яратиш даражаси асосий мезонлардан бири ҳисобланади.

Matt, Hess ва Benlian (2015) томонидан амалга оширилган тадқиқотларда рақамли трансформация стратегиясини шакллантириш масаласи марказий ўрин тутди. Муаллифлар рақамли трансформация тасодифий ёки парчаланган ташаббуслар йиғиндиси эмас, балки мақсадли стратегия асосида бошқарилиши кераклигини таъкидлайдилар. Улар трансформация стратегиясини тўрт таянч элемент орқали тавсифлайдилар: технологиялардан фойдаланиш, қиймат яратишдаги ўзгаришлар, ташкилий тузилмадаги ўзгаришлар ва молиявий жиҳатлар. Matt, Hess, Benlian ва Wiesböck (2016) рақамли трансформация стратегиясини ишлаб чиқиш учун 11 та стратегик саволни таклиф қиладилар.

Westerman, Bonnet ва McAfee (2014) рақамли трансформация соҳасида амалий ва стратегик ёндашувларни ривожлантирган етакчи олимлар ҳисобланади. Асари 400 дан ортиқ йирик компаниялар тажрибаси асосида рақамли етуклик ва етакчилик омилларини таҳлил қилади. Муаллифлар “digital masters” концепциясини илгари сурадилар ва рақамли устунликка эришиш учун корхона фақат технологияга сармоя киритиши эмас, балки трансформацияни самарали раҳбарлик ва бошқарув орқали мувофиқлаштириши лозимлигини кўрсатадилар.

Sebastian ва ҳаммуаллифлари (2017) томонидан рақамли трансформацияни амалий бошқариш масалалари чуқур тадқиқ этилган. Муаллифлар 25 та компания мисолида рақамли трансформация жараёнини таҳлил қилиб, икки асосий стратегик йўналишни ажратадилар: мижозлар билан рақамли ўзаро алоқани кучайтириш ва рақамлаштирилган ечимлар яратиш. Уларнинг хулосасига кўра, рақамли трансформацияда муваффақиятга эришиш учун технологияларни жорий этишнинг ўзи етарли эмас; платформа логикаси, маълумотлар архитектураси ва ташкилий мувофиқлаштириш ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Warner ва Wägerнинг (2019) тадқиқоти рақамли трансформацияни динамик қобилиятлар назарияси орқали тушунтиради. Муаллифлар рақамли трансформацияни бир марталик лойиҳа эмас, балки доимий стратегик янгиланиш жараёни сифатида кўрадилар. Улар рақамли муҳитда корхонанинг сезиш, тезкор қарор қабул қилиш ва ресурсларни қайта конфигурация қилиш қобилиятини трансформация муваффақиятининг асосий шarti сифатида таърифлайдилар. Бу ёндашув АКТ корхоналари учун айниқса муҳим, чунки ушбу тармоқ юқори ўзгарувчанлик ва технологик тезкорлик билан тавсифланади. Демак, бошқарув самарадорлигини баҳолашда корхонанинг динамик қобилиятлари, стратегик мослашувчанлиги ва инновацион реакция тезлиги ҳам ҳисобга олиниши лозим.

Verhoef ва ҳаммуаллифларининг (2021) “Digital transformation: A multidisciplinary reflection and research agenda” мақоласи рақамли трансформацияни тизимли ва кўп

тармоқли ёндашув асосида таҳлил қилади. Муаллифлар рақамлаштириш (digitization), рақамлашув (digitalization) ва рақамли трансформация (digital transformation) тушунчаларини ўзаро фарқлайдилар ҳамда рақамли ўсиш стратегиялари, зарур активлар ва қобилиятлар, ташкилий тузилмалар ва самарадорликни баҳолаш кўрсаткичларига алоҳида эътибор қаратадилар. Ушбу ишнинг аҳамияти шундаки, у рақамли трансформацияни баҳолаш учун универсал эмас, балки соҳавий хусусиятларга мослаштирилган кўрсаткичлар тизими кераклигини англатади.

Nadkarni ва Prügl (2021) томонидан 2001–2019 йиллардаги 58 та рецензияланган тадқиқот тизимли таҳлил қилинган. Муаллифлар рақамли трансформация соҳасида технология ва актор омиллари марказий ўрин тутишини кўрсатадилар. Уларнинг фикрича, рақамли трансформацияни ўрганишда фақат технология эмас, балки раҳбарлар, ходимлар, мижозлар ва ҳамкорлар каби иштирокчиларнинг роли ҳам муҳим. Бу хулоса тадқиқотимиз нуқтаи назаридан жуда аҳамиятли, чунки АКТ корхоналарида рақамли трансформацияни бошқариш самарадорлиги фақат техник ечимларга эмас, балки бошқарув субъектларининг қарор қабул қилиш сифати, компетенцияси ва ҳамкорлик даражасига ҳам боғлиқ.

Kraus ва ҳаммуаллифларнинг (2022) “Digital transformation in business and management research: An overview of the current status quo” мақоласида рақамли трансформация бўйича бизнес ва менежмент соҳасидаги илмий ишланмаларнинг тематик эволюцияси таҳлил қилинган. 217 та мақола асосида олиб борилган библиометрик ва мазмунли таҳлил натижаларига кўра, тадқиқотлар асосан технология, бизнес моделлар, ташкилий ўзгариш ва стратегик бошқарув атрофида жамланган. Бу эса рақамли трансформацияни бошқариш самарадорлигини баҳолаш масаласи ҳали ҳам шаклланиш босқичида эканини кўрсатади.

Nambisan ва ҳаммуаллифларнинг (2017) “Digital Innovation Management: Reinventing Innovation Management Research in a Digital World” мақоласи рақамли муҳитда инновацион менежмент назариясини қайта кўриб чиқади. Муаллифлар рақамли технологиялар инновация чегаралари, иштирокчилари ва жараёнларини тубдан ўзгартиришини кўрсатадилар. Бу ёндашув АКТ корхоналари учун муҳим, чунки уларда рақамли трансформация кўп ҳолларда инновация билан бир вақтнинг ўзида кечади. Шунинг учун бундай корхоналарда бошқарув самарадорлигини баҳолашда янги рақамли маҳсулотлар яратиш суръати, инновацион фаоллик ва рақамли экотизимда ҳамкорлик даражаси каби кўрсаткичлар ҳам аҳамият касб этади.

Мавжуд адабиётлар рақамли трансформацияни стратегия, динамик қобилиятлар, инновация, ташкилий ўзгариш ва рақамли етуклик нуқтаи назаридан кенг ёритиб берган. Бироқ таҳлил шуни кўрсатадики, айнан АКТ корхоналарида рақамли трансформацияни бошқариш самарадорлигини баҳолаш масаласи бўйича махсус, комплекс ва эмпирик ишланмалар нисбатан чекланган. Кўпчилик тадқиқотлар рақамли трансформациянинг мазмуни ва стратегиясини ёритган бўлса, унинг самарадорлигини баҳолаш учун соҳавий КРІлар, интеграл индикаторлар ва бошқарув натижадорлигини акс эттирувчи аниқ мезонлар тизими тўлиқ шаклланмаган. Шу боис мазкур тадқиқот айнан АКТ корхоналари мисолида рақамли трансформацияни бошқариш самарадорлигини баҳолашнинг илмий-методик асосларини ишлаб чиқиш зарурати билан асосланади.

Тадқиқот методологияси.

Ушбу тадқиқот ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) корхоналарида рақамли трансформацияни бошқариш самарадорлигини баҳолашнинг илмий-методик асосларини ишлаб чиқишга қаратилган бўлиб, унда назарий ва амалий тадқиқот усуллариининг комплекс мажмуаси қўлланилди. Тадқиқот методологияси кўп босқичли

ёндашув асосида ташкил этилди ҳамда сифат ва миқдорий таҳлил усуллари ўзаро интеграция қилишга асосланди.

Тадқиқотнинг назарий асосини рақамли трансформация, стратегик бошқарув, инновацион менежмент ва динамик қобилиятлар назариялари ташкил этади. Илмий адабиётларни тизимли таҳлил қилиш орқали рақамли трансформациянинг мазмуни, унинг асосий драйверлари ва самарадорликка таъсир этувчи омиллар аниқланди. Бу жараёнда таҳлил, синтез, таққослаш ва умумлаштириш каби умумилмий усуллардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) корхоналарида рақамли трансформация жараёнларининг таҳлили шуни кўрсатадики, мазкур жараёнлар сўнгги йилларда жадал суръатларда ривожланаётган бўлса-да, уларнинг амалий самарадорлиги ва бошқарув натижадорлиги бир хил даражада таъминланмаган. Рақамли платформалар, булутли ҳисоблаш технологиялари, катта маълумотлар таҳлили ва сунъий интеллект ечимларининг жорий этилиши корхоналарнинг технологик салоҳиятини ошираётган бўлса-да, мазкур ўзгаришлар кўп ҳолларда комплекс трансформацияга эмас, балки фрагментар модернизацияга олиб келмоқда.

1-жадвал

АКТ корхонасида рақамли трансформация компонентларининг баҳолаш натижалари (Uztelecom мисолида)¹

Компонент	Кўрсаткич	Баҳо (%)	Изоҳ
Технологик ривожланиш	Булутли технологиялар, автоматлаштириш	85	Юқори даражада жорий этилган
Ташкилий мослашувчанлик	Рақамли стратегия, agile бошқарув	40	Тўлиқ шаклланмаган
Инсон капитали	Рақамли кўникмалар ва training	45	Етарли эмас
Data-driven қарорлар	BI ва аналитика	50	Қисман жорий этилган
Мижозга йўналтирилганлик	Онлайн хизматлар	60	Ўрта даража

Жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, АКТ корхоналарида рақамли трансформация асосан технологик компонентлар доирасида ривожланган бўлиб, ташкилий мослашувчанлик ва инсон капитали ривожини билан боғлиқ йўналишлар нисбатан паст даражада шаклланган. Бу эса рақамли трансформациянинг комплекс характерга эга эмаслигини ва унинг фрагментар тарзда амалга оширилаётганлигини тасдиқлайди.

Тадқиқот давомида аниқландики, кўплаб корхоналарда рақамли трансформация жараёнларининг самарадорлигини баҳолаш учун ягона ва тизимли кўрсаткичлар тизими шаклланмаган. Амалдаги ёндашувлар кўпинча алоҳида технологик кўрсаткичлар (масалан, автоматлаштириш даражаси ёки IT инфратузилма сармоялари) билан чекланиб, трансформациянинг умумий қиймат яратишга таъсирини комплекс баҳолаш имконини бермайди. Натижада рақамли инвестициялар қайтими, инновацион фаоллик даражаси ва мижозлар учун яратилаётган қиймат ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш қийинлашмоқда.

Аниқланган муаммоларни инобатга олган ҳолда, мазкур тадқиқотда АКТ корхоналарида рақамли трансформацияни бошқариш самарадорлигини баҳолаш учун интеграл ёндашув таклиф этилди. Ушбу ёндашув доирасида рақамли трансформация

¹ “Ўзбектелеком” АК маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган

самарадорлигини баҳолаш кўп ўлчовли тизим сифатида қаралиб, у қуйидаги асосий компонентларни қамраб олади: технологик ривожланиш даражаси, ташкилий мослашувчанлик, инсон капитали ва рақамли компетенциялар, инновацион фаоллик, ҳамда мижозга йўналтирилганлик даражаси.

2-жадвал

**Рақамли трансформация самарадорлигини баҳолашнинг интеграл модели
компонентлари**

Компонент	Белгиси	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги
Технологик ривожланиш	T	Cloud, AI, автоматлаштириш	%
Ташкилий мослашувчанлик	O	Agile, стратегия, структура	%
Инсон капитали	H	Digital skills, training	%
Инновацион фаоллик	I	Янги маҳсулотлар, R&D	%
Мижозга йўналтирилганлик	C	Customer satisfaction, онлайн хизматлар	%

Таклиф этилган жадвалда рақамли трансформация самарадорлигини баҳолашнинг асосий таркибий компонентлари тизимлаштирилган бўлиб, ҳар бир компонент корхонадаги рақамли ривожланишнинг муайян жиҳатини ифодалайди. Жумладан, технологик ривожланиш даражаси замонавий рақамли технологияларни жорий этиш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини акс эттирса, ташкилий мослашувчанлик корхонанинг ўзгарувчан рақамли муҳитга тез мослаша олиш қобилиятини ифодалайди. Инсон капитали компоненти ходимларнинг рақамли компетенциялари ва малакасини баҳолашга хизмат қилади, инновацион фаоллик эса янги рақамли маҳсулотлар ва хизматлар яратиш суръати орқали аниқланади. Мижозга йўналтирилганлик компоненти эса рақамли хизматлар сифати ва мижозлар қониқиш даражасини акс эттиради.

Мазкур компонентлар ўзаро боғлиқ ҳолда корхонадаги рақамли трансформация жараёнининг комплекс ҳолатини ифодалайди. Шу сабабли уларни алоҳида эмас, балки ягона тизим сифатида баҳолаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Ушбу ёндашув рақамли трансформация самарадорлигини кўп ўлчовли кўрсаткичлар асосида интеграл баҳолаш имконини яратади.

Шундан келиб чиқиб, рақамли трансформация самарадорлигини баҳолаш учун интеграл индекс — DTEI (Digital Transformation Efficiency Index) таклиф этилди. Ушбу индекс ҳар бир компонентнинг умумий самарадорликка таъсирини инобатга олган ҳолда ҳисобланади ва қуйидаги формула орқали ифодаланади:

$$DTEI=w_1T+w_2O+w_3H+w_4I+w_5C$$

Бу ерда w_i — ҳар бир компонентнинг вазн коэффициентлари бўлиб, улар эксперт баҳолаш асосида аниқланади.

Таклиф этилган интеграл ёндашув рақамли трансформацияни алоҳида кўрсаткичлар эмас, балки ўзаро боғлиқ компонентлар тизими сифатида баҳолаш имконини беради. Ушбу модел доирасида ҳар бир компонентнинг умумий самарадорликка таъсири вазн коэффициентлари орқали аниқланади ва натижада корхонанинг рақамли ривожланиш даражаси ягона интеграл индекс - DTEI орқали ифодаланади.

Технологик ривожланиш даражаси корхонада замонавий рақамли технологияларни жорий этиш кўлами ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ифодалайди. Ташкилий мослашувчанлик эса корхонанинг ўзгарувчан рақамли муҳитга тез мослаша олиш қобилияти, бошқарув қарорларини қайта кўриб чиқиш ва бизнес жараёнларни қайта конфигурация қилиш салоҳияти билан белгиланади. Инсон

капитали компоненти ходимларнинг рақамли кўникмалари, малакаси ва инновацион фикрлаш даражасини қамраб олади. Инновацион фаоллик янги рақамли маҳсулотлар ва хизматлар яратиш суръати, ҳамда рақамли экотизимларда иштирок даражаси орқали баҳоланади. Мижозга йўналтирилганлик эса рақамли хизматлар сифатини, мижозлар қониқиш даражасини ва рақамли каналлар орқали ўзаро алоқалар самарадорлигини акс эттиради.

Таклиф этилган ёндашув рақамли трансформация самарадорлигини алоҳида кўрсаткичлар эмас, балки интеграл индекс орқали баҳолаш имконини беради. Бу эса корхоналарга рақамли ривожланиш даражасини аниқлаш, заиф нуқталарни белгилаш ва стратегик қарорларни илмий асосланган ҳолда қабул қилиш имкониятини яратади.

Хулоса ва таклифлар.

Ушбу тадқиқотда ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) корхоналарида рақамли трансформацияни бошқариш самарадорлигини баҳолаш масаласи комплекс ёндашув асосида таҳлил қилинди. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, рақамли трансформация замонавий иқтисодиётда корхоналар рақобатбардошлигини таъминловчи асосий омиллардан бири бўлиб, у нафақат технологик ўзгаришлар, балки ташкилий, бошқарув ва инсон капитали соҳаларидаги чуқур трансформацияни ҳам қамраб олади.

АКТ корхоналарида рақамли трансформация кўп ҳолларда технологик модернизация билан чекланиб, унинг стратегик ва ташкилий жиҳатлари етарлича ривожланмаган. Бу эса рақамли ташаббусларнинг самарадорлигини пасайтиради ва инвестициялар қайтими ҳамда қиймат яратиш жараёнларини тўлиқ баҳолаш имконини чеклайди.

Тадқиқот давомида рақамли трансформация самарадорлигини баҳолаш учун ягона ва тизимли методик ёндашувнинг етишмаслиги асосий муаммолардан бири эканлиги аниқланди. Мавжуд баҳолаш усуллари кўпинча алоҳида кўрсаткичлар билан чекланиб, трансформациянинг комплекс натижаларини акс эттира олмайди.

Мазкур муаммоларни бартараф этиш мақсадида тадқиқот доирасида рақамли трансформация самарадорлигини баҳолашнинг интеграл ёндашуви таклиф этилди. Ушбу ёндашув технологик ривожланиш, ташкилий мослашувчанлик, инсон капитали, инновацион фаоллик ва мижозга йўналтирилганлик каби асосий компонентларни қамраб олади. Таклиф этилган ёндашув рақамли трансформацияни кўп ўлчовли жараён сифатида баҳолаш имконини бериб, корхоналарнинг стратегик қарорлар қабул қилиш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларига асосланиб, АКТ корхоналарида рақамли трансформацияни бошқариш самарадорлигини оширишга қаратилган қуйидаги амалий тавсиялар ишлаб чиқилди:

Аввало, корхоналарда рақамли трансформация жараёнларини стратегик даражада бошқаришни таъминлаш зарур. Бунинг учун рақамли трансформация алоҳида IT лойиҳа сифатида эмас, балки корхонанинг умумий ривожланиш стратегиясига интеграция қилинган ҳолда амалга оширилиши лозим. Стратегик мақсадлар, KPIлар ва кутилган натижалар аниқ белгилаб олиниши рақамли ташаббусларнинг самарадорлигини оширади.

Иккинчидан, рақамли трансформация самарадорлигини баҳолаш учун интеграл кўрсаткичлар тизимини жорий этиш мақсадга мувофиқ. Бунда технологик кўрсаткичлар билан бир қаторда ташкилий ўзгаришлар, инсон капитали ривожини ва мижозлар қониқиш даражасини акс эттирувчи индикаторлар ҳам ҳисобга олиниши керак. Бу эса рақамли инвестициялар самарадорлигини комплекс баҳолаш имконини яратади.

Учинчидан, инсон капитали ривожига алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади. Ходимларнинг рақамли кўникмаларини ошириш, доимий малака ошириш дастурларини жорий этиш ва инновацион фикрлашни рағбатлантириш рақамли трансформация муваффақиятининг муҳим омили ҳисобланади.

Тўртинчидан, корхоналарда маълумотлар асосида қарор қабул қилиш тизимини шакллантириш зарур. Big Data таҳлили, бизнес аналитика ва рақамли мониторинг инструментларидан самарали фойдаланиш бошқарув қарорларининг аниқлиги ва тезкорлигини оширади.

Бешинчидан, рақамли трансформация жараёнларини мунтазам мониторинг қилиш ва баҳолаш механизмларини жорий этиш муҳим аҳамиятга эга. Бу жараён рақамли лойиҳаларнинг натижадорлигини баҳолаш, хатарларни аниқлаш ва трансформация стратегиясини ўз вақтида тузатиш имконини беради.

Адабиётлар /Литература/References:

Bharadwaj, A., et al. (2013) Digital business strategy: Toward a next generation of insights. MIS Quarterly, 37(2), pp. 471–482.

Kraus, S., et al. (2022) Digital transformation in business and management research: An overview of the current status quo. International Journal of Information Management, 63, 102466.

Matt, C., Hess, T. and Benlian, A. (2015) Digital transformation strategies. Business & Information Systems Engineering, 57(5), pp. 339–343.

Matt, C., et al. (2016) Options for formulating a digital transformation strategy. MIS Quarterly Executive, 15(2), pp. 123–139.

Nadkarni, S. and Prügl, R. (2021) Digital transformation: A review, synthesis and opportunities for future research. Management Review Quarterly, 71(2), pp. 233–341.

Nambisan, S., et al. (2017) Digital innovation management: Reinventing innovation management research in a digital world. MIS Quarterly, 41(1), pp. 223–238.

Sebastian, I.M., et al. (2017) How big old companies navigate digital transformation. MIS Quarterly Executive, 16(3), pp. 197–213.

Verhoef, P.C., et al. (2021) Digital transformation: A multidisciplinary reflection and research agenda. Journal of Business Research, 122, pp. 889–901.

Vial, G. (2019) Understanding digital transformation: A review and a research agenda. Journal of Strategic Information Systems, 28(2), pp. 118–144.

Warner, K.S.R. and Wäger, M. (2019) Building dynamic capabilities for digital transformation: An ongoing process of strategic renewal. Long Range Planning, 52(3), pp. 326–349.

Westerman, G., Bonnet, D. and McAfee, A. (2014) Leading digital: Turning technology into business transformation. Boston: Harvard Business Review Press.